

ISSN 2181-1792

F I L O L O G I K
tadqiqotlar

Ilmiy jurnal

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ
исследования

Научный журнал

PHILOLOGICAL
research

Scientific journal

№2 - 2021

Filologik tadqiqtolar

Филологические исследования

Philological research

Илмий журнал

Муассис: «Filolog» МЧЖ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 08.01.2021 йилда
1147 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

ISSN 2181–1792

№ 2

2021

Бош муҳаррир: Акбар Худойқулов

Таҳрир ҳайъати:

Шуҳрат Сирожиддинов,
Абдураҳим Маннонов,
Муслиҳиддин Муҳиддинов,
Ҳамидулла Болтабоев,
Ҳамидулла Дадабоев,
Зоҳиджон Исломов,
Қосимжон Содиқов,
Боқиҷон Тухлиев,
Маматқул Жўраев,
Нафас Шодмонов,
Абдуғафур Қосимов,
Жалолиддин Жўраев,
Озод Алимов,
Бахтиёр Абдушукоров,
Салимахон Эшонова,
Пошшажон Кенжаева,
Санъатжон Сариев,
Рихситилла Алимухамедов.

Таҳририят:

Масъул котиб: Беҳзод Болтабоев
Техник муҳаррир: Искандар Олимжонов
Саҳифаловчи ва
дизайнер: Азиз Ёқубжонов

«Filologik tadqiqtolar» журнали - филологиянинг долзарб мавзуларга бағишиланган ўзбек, рус ва ингилиз тилларидаги илмий мақолаларни нашр қиласи.

МУНДАРИЖА

МАТН ВА МАНБА ТАДҚИҚИ

Зафар Фахриддинов. Ҳаким Термизийнинг «Таҳсил назоири-л-Қуръон» асари қўлёзмаларининг кодикологик таҳлили.....	4
Жаҳонгир Турдиев. «Меърежнома» ва «Наҳж ул-фародис» асарлари тадқиқи.....	10
Билол Южел. Бобур девонида мувашшах.....	16
Нилуфар Хадиметова. Типы стихосложений в «Бабурнаме»: авторские сочинения (первая часть).....	21

АДАБИЁТШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Фазлиддин Равшанов, Икромжон Бўронов. Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-моний»даги бошқарувга оид қараашлари.....	33
Назора Бекова. Навоий-Фонийнинг туркий ва форсий ғазалларида бадиий маҳорат масаласи.....	58
Матлуба Жабборова. «Қиссаи Жамшид»даги бош қаҳрамон образи.....	69
Жамолиддин Жўраев. Комёб ижодида яссавийликка муносабат.....	79

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Навоий Алишер. Гаройиб ус-сиғар. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том.–Тошкент: Фан, 1988.
2. Навоий Алишер. Наводир уш-шабоб. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том.– Тошкент: Фан, 1989.
3. Навоий Алишер. Бадойеъ ул-васат. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том.–Тошкент: Фан, 1990.
4. Навоий Алишер. Фавойид ул-кибар. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том.–Тошкент: Фан, 1990.199-бет.
5. Навоий Алишер. Девони Фоний. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том.–Тошкент: Фан, 2002.
6. Навоий Алишер. Девони Фоний. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 19-том. –Тошкент: Фан, 2003.
7. Алишер Навоий. Рух ул-кудс. Сўзбоши, насрый баён, изоҳ ва лугат билан нашрга тайёрловчилар Р.Воҳидов, Н.Бекова. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
8. Қуръони карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Тошкент: Чўлпон, 1992.
9. Ғаззолий Зайниддин Муҳаммад. Кимиёи саодат. –Тошкент: Камалак, 1995.

МАТЛУБА ЖАББОРОВА

«ҚИССАИ ЖАМШИД»ДАГИ БОШ ҚАҲРАМОН ОБРАЗИ

Аннотация

XIX асрда машҳур бўлган шоҳномаҳонлик таъсирида халқ китоблари, хусусан, халқ қиссалари пайдо бўлган. Шунингдек, Туркистонда босмаҳоналарнинг очилиши мазкур қиссаларнинг халқ орасида кенг ёйилишига сабаб бўлган. Мазкур мақолада ана шу шоҳномаҳонлик таъсирида яратилган халқ китоби «Қиссаи Жамшид» асарининг бош қаҳрамони шоҳ Жамшид образи ҳақида мулоҳаза юритилади. Қиссадаги Жамшид образига хос анъанавийлик ва ўзига хослик хусусиятлари очиб берилади.

Калит сўзлар: босмаҳона, тошбосма, қўлёзма, халқ китоби, қисса, анъанавий образ, сюжет, адабий қаҳрамон.

Аннотация

В XIX веке были распространены произведения, написанные под влиянием роялизма. Открытие типографий в Туркестане также привело к распространению литературы такого жанра. В данной статье рассматривается образ царя Джамшида, главного героя народной книги «Киссаи Джам-

шид», написанной под влиянием идей роялизма. В статье раскрываются традиционные и оригинальные черты образа Джамшида.

Ключевые слова: типография, литография, рукопись, народная книга, рассказ, традиционный образ, сюжет, литературный герой.

Annotation

In the 19th century, folk books, especially folk stories, arose under the influence of the famous royalism. The opening of printing houses in Turkestan also led to the spread of these stories among the people. The article examines the image of King Jamshid, the protagonist of the popular book “Qissai Jamshid”, created under the influence of this Shahnameh. The traditional and original features of the image of Jamshid in the story are revealed.

Keywords: printing house, lithography, manuscript, folk book, short story, traditional image, plot, literary hero.

Қадимда халқ қиссаҳонлиги анъанаси шоҳномаҳонликнинг таъсири ўлароқ жуда тез ва кенг оммалашди. Уларнинг оғзаки вариантлари билан бир қаторда ёзма манбалари ҳам юзага келди. Қиссанинг ёзма вариантлари китобий достонлар ёки халқ китоблари номи билан машҳур бўлган. Бир жиҳатдан олиб қараганда, «классик поэзия намуналарининг бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасида юзага келган ёки яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган, шунингдек, бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарларни китобий достонлар дейиш мумкин» [6:23], деган фикр жараёнга берилган хаққоний таърифдир. Чунончи, ушбу қиссалар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг ўзаро уйғунлашуви, бирикиши натижасидир. Бироқ, масаланинг иккинчи жиҳати «ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарлар»нинг ҳам халқ китоби, деб юритилиши халқ қиссаларининг адабиётшунослик нуқтai назаридан тадқиқ этилмаётганинг сабабидир. Масалага аниқлик киритиш адабий таъсир натижасида яратилган халқ қиссаларини чуқур тадқиқ этишни тақозо этади.

Халқ қиссалари адабиётнинг асрлар оша сайқалланиб, турли образлар орқали тилларда достон, эл орасида машҳур бўлган бой меросидир. Унда халқ ижодининг оғзаки ва ёзма жанрлари ўз аксини топади. Халқ қиссалари анъанавий сюжет асосида яратилган, масалан, «Шоҳнома» қаҳрамонлари ўзбек халқи орасида кенг шуҳрат қозониб, улардан айримлари ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида ижодий қайта ишланган [5:122]. «Қиссаи Жамшид» асари ана шундай анъанавий сюжет ва образни қайта ишлаш асосида яратилган халқ ижоди намунасидир. Ушбу асар ўз даврида жуда машҳур бўлган. Одамлар маҳаллаю гузарларда йиғилиб, қиссаҳонлик кечалари уюштиришган ва ўзбек халқ қиссалари қатори Жамшид қиссасини ҳам мутолаа қилишган.

Халқ қиссаларининг яратилиши муайян тарихга эга. Шоирлар халқ ижодидаги тайёр сюжет ва қаҳрамонлар саргузаштини ўз ижодий лабораторияларида қайта ишлаганлар, уларга тарихий шароитнинг талаб ва эҳтиёж-

лари тақозо қилган айрим ўзгартиришларни киритиб, бадий жиҳатдан сайқал бериб, уларни ёзма адабиёт намуналарига айлантирганлар. Шундай қилиб, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиётга хос хусусиятларни ўзида мұжассамлаштирган оригинал бадий асарлар майдонга келган ва улар халқа манзур китоблар бўлиб қолган [1:55]. Ушбу жараёнда «Қиссаи Жамшид»нинг ҳам бир қанча вариантлари юзага келган [11].

«Қиссаи Жамшид»нинг кириш қисмida қиссагүй ўз китобини ҳикоят, ривоят, достон номлари билан атайди. Бироқ, бизнинг назаримизда, шакл ва мазмун жиҳатидан келиб чиқиб, мазкур асарни қисса деб аташ маъқулроқ. Чунончи, «қисса – халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган воқеабанд характердаги, қаҳрамон ҳаёти ва саргузаштларини ҳикоя қилувчи ривоявий асар хисобланади. Халқ ижодидаги қиссалар оғзаки ижро қилинган, фольклорнинг бошқа жанрлари каби вариантилик хусусиятига эга бўлган. Кейинча кўплаб халқ қиссалари иқтидорли кишилар томонидан (кўп ҳолларда уларнинг исми номаълумлигича қолган – М.Ж.) адабий қайта ишланиб, ёзма шаклда – халқ китоблари сифатида яшай бошлаган» [9:381].

«Қиссаи Жамшид» ўзбек адабиётида қадимги қиссачилик анъаналари асосида яратилган бадий асардир. Анъанавий сюжет замирида шаклланган мазкур асарга қиссагүй томонидан янги образлар киритилган, воқеалар кўлами кенгайтирилган, қаҳрамонлар тасвири, уларнинг руҳий олами очиб берилган, табиат манзараси жуда жонли ва ишонарли тасвирланган.

Одатда, қиссанинг бош қаҳрамонлари бадий адабиётда маълум ва машҳур бўлган анъанавий образлар бўлган. Жумладан, «Қиссаи Жамшид» асарининг марказида ҳам подшоҳ Жамшид образи тасвирланганки, ушбу қаҳрамон тимсоли нафақат ўзбек классик адабиётида, балки Шарқ адабиётида ҳам, машҳур образлардан хисобланади.

Табиийки, халқ қиссаларини қаҳрамонсиз, уларнинг саргузаштисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки уларда «Эпик ҳаёт – макон, замон, ижтимоий воқеалар бевосита қаҳрамон фаолияти орқали ташкил топади ва биз учун энг муҳими эпик моҳият қаҳрамон саргузаштлари туфайли намоён бўлади» [8:107]. Шу боисдан қиссадаги бош қаҳрамон тадқиқи алоҳида кузатишни тақозо этади.

Асарда асосий сюжет воқеалари бошланмасидан аввал Жамшиднинг ота-боболари таърифи ривоятомуз тарзда келтириб, биринчидан, қаҳрамоннинг шажараси тасвирланади, иккинчидан, ушбу ривоятларни келтириш орқали китобхонга бош қаҳрамоннинг оддий инсон эмаслиги, ундан асар давомида буюк ишлар кутиш мумкинлиги уқтирилади. Учинчидан, ушбу қисса бевосита «Шоҳнома» таъсирида яратилганлиги боис Фирдавсий асаридаги анъанавий сюжет воқеалари тизими ушбу қиссада ҳам сақланиб қолган. Қиссада бу каби қаҳрамонлар таърифлари Каюмарс, Тахмурас, Ҳушанг каби Жамшиднинг ҳар бир аждоди ҳақида берилган. Баъзи лавҳалар эса айнан «Шоҳнома»дагидек келтирилган.

Қиссада баъзи қаҳрамонлар тасвири анъанавий тарзда, ўзгаришсиз сақланиб қолган. Бироқ, қиссанавис бош қаҳрамоннинг насаби ҳақидаги ривоят-

лар тафсилида «Шоҳнома» билангина кифояланмасдан, бошқа манбалардаги маълумотларни ҳам келтиради. Хусусан, асар бошланмасидаги яна бир ривоятда Жамшиднинг шажараси Нуҳ аллайҳиссаломга бориб тақалади. Даставвал, қиссанавис Нуҳ пайғамбар ҳақидаги бир неча ривоятларни келтиради. Ушбу ривоятларда Нуҳ пайғамбар ва унинг ўғиллари билан боғлиқ воқеалар тасвирланади. Сўнг насаб ҳақида сўз юритиб, Жамшидни Нуҳ пайғамбарнинг авлоди сифатида талқин этади. Демак, муаллиф анъанавий Жамшид образини яратишда кўпгина тарихий-афсонавий манбалардан ижодий фойдаланган. «Шоҳнома»да шоҳлар тарихи ва асосий сюжет воқеалари Каюмарс томонидан подшоҳликка асос солиниши билан бошланса, «Қиссаи Жамшид»да ушбу анъана сақланиб қолингани ҳолда яна бошқа ривоятлар асосида тўлдирилади.

Қиссада Жамшид образи ниҳоятда ўзига хос тарзда тасвирланган. Мазкур образ «Қиссаи Жамшид»га анъанавий образ сифатида кўчган бўлсада, асарда унинг мутлақо янги қирралари намоён бўлган. Жамшид образи қиссада бир томондан, бунёдкор, адолатли ва элпарвар шоҳ, иккинчи томондан, қилган қашфиётларидан мағурурланиб, такаббурликка берилган шахс сифатида анъанавий қиёфасини йўқотмайди. Шу билан бирга Жамшиднинг хислатлари воқеалар ривожи давомида шаклланиб, характеристининг янги қирралари намоён очилиб боради. Масалан, Жамшид дастлаб подшоҳлик таҳтига ўтирганида ёш ва ғўр бўлади. Шу сабабли таҳт ва ҳукмдорлик масъулиятини хис қилмайди, айшу-ишратга берилиб кетади. Юртнинг катталари «бу кичик бола бирла юрт тутиб бўлмас. Жамшид сафар қилсун ва гурбат ихтиёр қилсун. Мехнат ва машақкат ўтида куйсун. Давлатнинг қадрини билсун ва мусофир бўлсун. Агар баҳти толеъ бўлса, Худо берса, кейин подшоҳ қилсак бўлур», деб уни шаҳардан ҳайдаб, ўрнига акаси Қаҳрамонни подшоҳ қилишади. Демак, қиссада «ҳаёт аччиқ-чучукларини тотмаган, билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган шахс давлатни бошқара олмайди» [10:69], – деган ғоя илгари сурилади. Шу билан бирга мазкур лавҳа воқеалар ривожини ҳараратга келтиради.

Шундан кейин Жамшиднинг ҳаётида машаққатлар ва зиддиятлар бошланади. Мусоғирчиликда яшаб, қўп уқубатлар тортади. У аввал Балхда яшайди, сўнг Туронзаминга боради. Бир куни кўчада унга қиморбоз дуч келади ва унинг Таҳмурас девбанднинг ўғли эканлигини билиб, ўзи билан олиб кетади. Жамшид ундан қимор ўйнашни ўрганади ва моҳир қиморбозга айланади. Шу лавҳадан Жамшиднинг қиморбоз сифатидаги янги қиёфаси намоён бўлади. У қиморбозлар орасида «Мирзо Жамшид» номи билан машҳур бўлади. Бироқ, «Қиморбоз Жамшид» қиёфаси бошқа асарлардаги анъанавий образ подшоҳ Жамшидга хос эмас. Яъни Жамшиднинг қиморбозлик хусусияти фақатгина ҳалқ қиссанасида ёритилган. Эҳтимол, бу лавҳа айтувчи томонидан йўл-йўлакай киритилгандир. Шундай бўлса-да, ушбу «янгилик» қиссанинг бадиий савиясини туширмайди, аксинча, воқеалар ривожининг қизиқарли тус олишига йўналтиради. Бизнингча, қиссага киритилган ана шу лавҳа асосида ҳозирги кунгача қимор давраларида Жамшид номининг тилга

олиниши ёки қиморбозларнинг «Ё Жамшид», «Мени қўлим эмас, Жамшидинг қўли» – деб нард ташлаши мазкур қисса таъсирида пайдо бўлган.

Қисса воқеалари давомида асарга янги образ – Лайливаш киритилган. Қиссанавис томонидан қўшилган мазкур образнинг қиссадаги иштироки бир томондан, воқеаларнинг қизиқарли ривожланишини таъминласа, иккинчи томондан бош қаҳрамон Жамшид қиёфасининг янги жиҳатларини очишга хизмат қиласди. Бундан ташқари, ушбу образ орқали сюжетда янги «Жамшид ва Лайливаш» зиддияти пайдо бўладики, бу бевосита воқеалар ривожида кутилмаган лавҳалар юзага келиши учун замин тайёрлайди.

Жамшид тахтга ўтиргач, жуда кўп кашфиётлар қиласди. Қиссада бош қаҳрамоннинг яратувчанлик хусусиятлари батафсил келтирилган. «*Ул фикри дақиқ ва хаёли амиқ бирла олоти ҳарб тайёр этти, мисли дубулга, совут ва хафтон ва жами ҳарбадин: шамшир камон ва тир ва табар ва карнай ул бунёд этти. Оlam ичида нечанд шаҳарларни ва қалъаларни ул пайдо қиласди. Боргоҳи сароҳзарда, чодири шомиёналарни ул ораста қиласди. Кондин олтунлар ул чиқорди. Дарёдин дур ва худ ва анбар ул олди. Хушибўй нимарсалардин мисли мушиқ ва гулобо фур олам аро ул ёйди. Дарёда киши бирла юрмаклик ҳам аниңг санъатидур. Пахтани торимоқ, иф йигирмоқ ва либос этуб киймоқни ҳам ул таълим берди*».

Жамшиднинг ушбу бунёдкорлик фазилати энг қадимги манбаларда, масалан, «Авесто»да ҳам зикр этилган. Бадиий асар сифатида қиссадаги Жамшиднинг кашфиётлари «Шоҳнома»даги Жамшид фаолиятига ҳам айнан монанддир. Чунки, Фирдавсий ўқувчи дикқатини кўпроқ Жамшиднинг ана шу хайрли ишларига қаратади. «Қиссаи Жамшид»да ҳам қаҳрамоннинг анъанавий образга хос бўлган ана шу сифатлари, хайрли ва бунёдкорлик ишлари ҳақидаги лавҳалар бойитилган, фазилатлари турли лавҳалар мисолида янада ривожлантирилган. Бинобарин, қиссада Жамшиднинг уч мингдан ортиқ кашфиётлар қилгани қайд этилган. Демак, Жамшидга хос бўлган, кейинчалик анъанавий сюжетнинг бир қисмига айланган ушбу кашфиётчилик мотиви «Қиссаи Жамшид»да қаҳрамоннинг ижобий хусусиятларини янада бўрттириш ва халқ орасида мадҳ этиш мақсадида анча кенгайтирилади. Чунки, қаҳрамонларнинг бундай бунёдкорлик ишлари ҳамма даврларда ҳам халқ томонидан қадрланган.

Жамшид бир қатор кашфиётлар қилгач, Рум подшоҳига унга итоат қилишини сўраб хат ёзади. Подшоҳи Рум унинг таклифини рад этади. Бироқ, мамлакатида Жамшидга тенг келадиган паҳлавон топилмагач, Хитой подшоҳининг ўғли Баҳроми Хитойининг отасига мактуб ёзиб, қанча ваъдалар бераб, уни Румга чақиртиради. Шу ўринда қиссага яна бир анъанавий образ Баҳром кириб келади.

Баҳром образи нафақат Шарқ халқлари адабиётида, балки, ўзбек мумтоз адабиётида ҳам, анъанавий образ сифатида машҳурdir. Баҳромнинг алп келбатли баҳодир эканлиги, моҳир мерғанлиги, улдабурон ваadolatпарварлиги ҳақидаги афсона ва ривоятлар эл орасида кенг тарқалган. Баҳром ҳақидаги дастлабки маълумотлар «Авесто»да битилган. «Авесто»да унинг

номи «Вирисрафна», паҳлавийда тилида «Вараҳрон» деб зикр этилиб, бекиёс куч-қудрат эгаси, маздопарастлик динидаги муҳим ва буюк илоҳлардан бири, ғолиблик маъбути эканлиги [2:333] зикр қилинган. «Авесто»нинг «Баҳром-Яшт» алқовида қудратли подшоҳ Баҳром ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда тинчлик ва осойишталиқ барқарор бўлганлиги, бало-қазолар, эл-юрга йўламай, одамлар уни дуо қилиб яшаганлиги, душман жанг аравасида байроғини ҳилпиратиб келиб, тажовуз қилишга юраги бетлай олмаслиги тасвиrlанади [3:67].

Баҳром образи забардаст паҳлавон, моҳир овчи ваadolatпарвар шоҳ тимсолида ўзбек адабиётига ҳам кириб келган ва анъанавий образга айланган. Натижада, Баҳром бош қаҳрамон қилиб олинган «Шоҳ Баҳром ва Диlorом», «Баҳром ва Гуландом», «Қиссаи шаҳзода Баҳром ва маликаи Гуландом» каби халқ қиссалари ҳам вужудга келган. Шунингдек, тадқиқот объектимиз бўлган «Қиссаи Жамшид»га ҳам анъанавий Баҳром образи ёрдамчи персонаж сифатида мавжуд ва бу образ Жамшидинг кейинги саргузаштларида ўзига хос ўринга эга.

Рум подшоҳи Хунхор амир-умароларидан Баҳромнинг баҳодирлиги довруғини эшишиб, унга катта ишонч билдиради. Ҳатто, севимли қизи Маликаи Зебоҳусн ва подшоҳлигининг ярмини инъом этишга ваъда беради. Демак, Баҳромнинг паҳлавонлиги, тенги йўқ куч-қудрати ўша пайтларда Хитойдан Румгача овоза бўлиб, етти иқлимгача етган. Бу пайтда Баҳроми Хитойи шикорга кетган эди. Шикордан чорлатиб келади. Баҳром воқеадан хабардор бўлиб, Жамшидга қарши чиқишга норози бўлади. *«Жамишд деган андоғ хушихўй ва хушируй ва хушишраб подшоҳ эрмиши, ҳар қандоғ киши аниг бирла бирла лаҳза хамнишин бўлса, сұхбатидин ҳаргиз умидин узолмас эрмиши. Мен ҳам даҳи Жамишдга навкар бўлуб хизмат қиласай десам, сен анга ёгий бўлуб, жсанг қил дейдурсан. Менга Рум подшоҳининг қизини ва давлатини кераги йўқ, яхши эрнинг хизматида бўлуб турадурман»* – дейди. Баҳром Жамшидинг хушфеъл,adolatli подшоҳ эканлигини ва у ҳақдаги яхши таърифларни эшишиб, унга ғойибона меҳри тушиб юрган бўлади. Шу сабабли бундай инсонга қарши жангга боришни хоҳламайди.

Қиссанавис Баҳром образини қиссага олиб кириш орқали, биринчидан, Баҳромнинг Жамшид ҳақидаги мақтови билан бош қаҳрамоннинг яна бир қанча ижобий хислатларини эслатиб ўтади; Баҳром тилидан Жамшидни кўк-ка кўтариб мақтайди, фазилатларини бўрттириб қўрсатади, уни халқ суйган қаҳрамонга тенглаштиради. Иккинчидан, подшоҳ Хунхор қуръа солдирганда, яъни фол очтирганда, фақат Баҳром Жамшидга тенг келиши мумкинлиги аён бўлади. Баҳромнинг баҳодирлиги кўпгина асарларда мадҳ этилган, тилларда достон бўлган. Қиссанавис Жамшидга фақатгина Баҳром бас кела олишини таъкидлаш орқали ўқувчига Жамшидинг ҳам куч-қудратда, паҳлавонликда бекиёс эканлигини уқтириб ўтади.

Баҳроми Хитойи ўзи хоҳламаса-да, отасининг буйруғи билан олтмиш минг лашкар олиб, Румга равона бўлади. Жамшид Баҳроми Хитойининг келиш хабарини эшишиб, ўзининг тўрт минг лашкари билан уни олдини тўсиш

учун йўлга чиқади. Улар дарёда тўқнашадилар. Жамшид кўрса, Баҳром «паҳлавони забардаст, олтмиши минг лашкар, ҳар қайсиси бир аждарҳои ҳафтсарки, жсанг қилиб олурни иложи йўқ». Шунда Жамшидинг анъанавий образга хос бўлмаган яна бир хислати намоён бўлади. Жамшид бир сиқим туфроқ олиб исмиёт ўқийди. Бир қора бўрон пайдо бўлади ва кемаларни – кемаларга уриштириб, пора-пора қиласди.

Ўзбек фольклорида афсун-дуоларнинг ўз ўрни бор. Афсун-дуолар ҳалқ маънавий-маиший ҳаётининг ажралмас қисми сифатида жуда қадим замонларда вужудга келган. «Чунки, кишилар ўзларининг турли-туман касалликлардан, оғат-фалокатлардан, зиён-заҳматлардан, ўғри ва қароқчилардан, йиртқич ва даррандалардан сақлаш керак бўлганида» [7:11] ана шу афсунлардан фойдаланган. Табиийки, бу хусусият «халқ китоби» – «Қиссаи Жамшид»-га ҳам кўчган.

Қиссада Жамшидинг афсун дуога, яъни иддачиликка усталиги ғоятда асосли ва таъсирчан тасвирланган. Қаҳрамон оғир вазиятларга тушиб қолганида, муаммони ҳал этиш учун афсундан фойдаланади. «Аммо подиоҳ Жамшид иддачиликқа устакор эрди. Ҳар нечук бўлса жон қутқармоқ керак деб икки чангалига туфроқ олиб исмиёт ўқуб ташлади, эрса, бир қаро бўрон пайдо бўлди. Кемани кемага уруб, пора-пора қилди. Жамшидинг тўрт минг лашкари Баҳромнинг олтмиши минг лашкари ҳар икки лашкар ул дарёда ҳалок бўлдилар. Подиоҳи Жамшид бир тахта порада қолди. Ул тарафдин Баҳром ҳам бир тахта порада қолди».

Бундай сехр-жоду усули фантастик эртакларга хос бўлган мотив ҳисобланади. Эртакларда мушкул аҳволга тушиб қолган қаҳрамонлар бир қанча сехрли унсурлар, воситалар орқали вазиятдан чиқади. Булар ҳар хил сехрли жисмлар, масалан, пат, қил, ёл; олма, таёқ, сув ёки дуо ва исмиётлар бўлиши мумкин. Демак, ушбу лавҳа қиссага эртаклардан ўтиб қолган. Чунки бундай ҳолат жангнома типидаги қиссалар учун ётдир. Одатда жангнома достонларида қаҳрамоннинг душман билан тўқнашуви жанг ва курашиш саҳналари орқали намоён бўлади. Бундай вазиятларда қаҳрамоннинг ақл билан иш кўриши ёки ҳийладан фойдаланиши романтик, яъни ишқий саргузашт достонларга хос энг оммавий мотивdir.

Гарчи, жангнома типидаги мазкур қиссада бош қаҳрамон айрим ҳолатларда душман чангалидан жанг билан эмас, идда-афсун билан кутулса-да, бу хусусият Жамшидинг жасурлигига путур етказмайди. Ушбу хислат Жамшид образининг яна бир ўзига хос жихатини намайиш қиласди. Шунингдек, ўқувчида қиссага нисбатан янада қизиқиши ҳамда воқеалар ривожига ишонч туйғусини оширади. Чунки Жамшид тўрт минг лашкари билан Баҳромнинг олтмиши минг лашкарини жанг қилиб енгиши мантиққа тўғри келмасди. Жанг қилиб енгилди ёки қочиб кетди, дейиш ҳам қаҳрамон номига номуносиб бўларди. Шу сабабли гўянда Жамшидга сехргарлик хислатини юқтиради. Муаллиф айтuvчилик ҳуқуқидан ижодий фойдаланиб, анъанавий образнинг янги бир киррасини очади.

Баҳром ва Жамшид ҳар қайсиси алоҳида тахта устида Румга етиб боришади. Уларни тантанавор кутиб олишади. Аммо Жамшид ўзининг кимлигини яшириб, «Жамиид эканим билса муқаррар мани ўлдирадур, эмди не иложэ этгайман, аммо Худога таваккал қилиб, бир иши қилай, шояд ажалим тўлмагон бўлса, бир корга келур», деб яна ҳийла ишлатади ва «Баҳроми Хитойининг навкари Носири Хитойиман» – дейди. Баҳром лашкарлари орасида бундай паҳлавон, алп келбатли Носир исмли киши йўқлигини билса-да, шундай навкарининг борлиги унинг обрўсини оширганлиги сабабли индамайди. Лекин, Жамшиднинг кийган либоси лашкарларга хос эмаслиги, айниқса, куч-қудрати Баҳромдан юз чандон зиёда эканлиги кўриниб турарди.

Хунхор шоҳ Баҳромни синаш мақсадида Жамшиднинг бобоси Каюмарс одамнинг ёйини олдириб келтиради ва «Баҳром шул ёйни беажабона тортса, Жамиид бирла баробар жсанг келур. Балки голиблиқ қилур. Агар Баҳром бу ёйни тортолмаса, жсанг қилолмас», –деб ҳукм қиласиди.

Баҳром ёйни қўлига олиб, «бошини титратиб ёйнинг ичиға кирди. Ўқни тушиқоргунча бўлмай, бардош қилолмай, ёйни орқасига ёндуорди. Аммо бор аъзоси ҳаракатга келди». Жамшид эса бобосининг ёйни қўлига олиб, қўзига суртади ва бемалол кўтаради. Шунда подшоҳ Хунхор ва унинг вазирлари бу паҳлавон Баҳроми Хитойининг навкари эмас, Жамшид эканлигини сезишади. Шу ўринда нокил ёй кўтариш лавҳаси орқали қиссага ўзбекона рухни ҳам сингдириб юборган. Биламизки, ўзбек миллий достони «Алпомиши»да ҳам ёй кўтариш сахнаси мавжуд. Ушбу лавҳа ... қадимда скифларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар таъсирида эпосга кўчган [7:11]. Бу сахна Алпомишининг нақадар алп келбатли ва баҳодир эканлигини кўрсатади. Жамшиднинг баҳодирлиги ҳам ана шу ёй кўтариш сахнасида намоён бўлади.

Киссада жанг лавҳалари ҳам ўта ҳароратли тасвирланган. Жамшиднинг душмани Хунхор филнинг устига минора ўрнатиб, унга тахти равон беркитади. Ўзи тахти равонда қарор топади. Ушбу жанг тасвирлари қўпроқ ҳинд эпоси «Рамаяна» ва «Махабҳорат»даги жангларга ўхшаб кетади. Ҳинд эпосларида қаҳрамонларнинг фил устида камон билан жанг олиб боришгани қайд этилган. Ўзбек миллий эпосларида эса от устида қилич билан жанг қилиш сахнаси оммавийдир. Кўринадики, ўзбекча жангга хос бўлмаган мазкур лавҳа адабий таъсир натижасида ўзлашган.

Жанг давомида Жамшиднинг моҳир камонандоз эканлиги намоён бўлади. Бобосининг ёйидан отган битта ўки барча тўсиқларни ёриб ўтади, Хунхорнинг лашкарини даҳшатга солади. Ҳукамолар «Жамиид шоҳи камон дейдурлар», унга бас келиб бўлмайди, деб қўрқишади. Лекин, Хунхорнинг лашкарлари сон-саноқсиз қўп эканлигини кўрган Жамшид ўзини ожиз ҳис қиласиди ва дўстларига «олти ой муддатда қайтишини айтиб», бир сиким тупроқ олиб исмиёт ўқийди. Шунда «Қаро бўрони азим пайдо бўлди. Айни қўзиға туфроқ кириб, кўз очқоли бўлмади». Жамшид эса оломон билан аралашиб кўздан ғойиб бўлади. Гарчи ушбу лавҳа профессор Ҳ.Ҳомидий томонидан «...ҳамроҳларини ўз ҳолига ташлаб ғойиб бўлади. Бу асар ғоявий йўнали-

шига, тадрижий такомилига мантиқан мос эмас» [10:78] –деб баҳоланса-да, фикримизча, воқеалар ривожи шуни тақозо қиласы. Кейин Жамшид дүстларини жанг майдонида ташлаб қочмаган, уларнинг тақдиридан кўнгли тўқ бўлганлиги учун шунга қарор қилган. Буни Маликаи Зебоҳуснга қилган мурожаатидан англаш мумкин: «Эй маликаи Зебоҳусн, сиз ўзини жигарбанди, сизни ўлтурмас. Сизни Худога топишурдим. Шермастни сизга тобишурдим. Бобом бирла тағомни ўлтурур эрди, мен шуни билиб, бу солус боболар мени тутқали кириб экан. Уларни бандга солдим, дедим. Уибу сўзим буларга фойда қилур, ўлтурмас, уларни ўлумдин қутқордим. Агар мен қўлга туисам, мени ўлтурур. Чиқиб кетсам, охир бу юртларга лашкар тортиб келуб, шаҳарни олур, буларни интиқомини мендин олур, деб мендин ийманиб, сизларни ўлтурмас. Худои таолодин тилаб, олти ойда мендин кўз тутунглар. Худо буюрса, Туронзамин лашкарини олиб келиб, Румга ғоратлар солгаймен». Кейинги воқеаларда Жамшид дўсти Шермаст Ҳабашийни дорга осилишдан қутқариб қолади, яъни у факат ўз жонини саклаб қолиш учун қочиб кетмайди, шунчаки вазиятни ўзгартириш учун шу усулни қўллади. Демак, Жамшиднинг сехрдан иккинчи марта фойдаланиши, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг паҳлавонлик сифатларига ва қисса воқеаларининг мантиқий изчиллигига путур етказмайди, аксинча, қаҳрамоннинг кейинги саргузаштари учун йўл очади. Жамшиднинг айёрлик ва уддабуронлик хусусиятлари воқеалар давомида янада яққолроқ кўзга ташланиб боради.

Қиссада Баҳром образининг ҳам паҳлавонлик сифатлари, орияти кучлилиги ва мардлик хислатлари идеаллаштирилган. Чунончи, Рум подшоҳи унинг довруғини эшишиб, катта умидлар билан қизини ваъда қилиб чақиртиради. Баҳром Хунхор кутган жасоратни жангларда намоён этади. Илк бора у жангда Шермасти Ҳабаший билан олишади ва унга заҳм етказади, «... тушигача жсанг қилиб, олти паҳлавони номдорни шаҳид этди, тўқуз паҳлавонга шикаст берди». Кураги ерга тегмаган машҳур баҳодирлар ҳам унинг қудрати олдида маҳв бўлишади. Яна бир дафъа у Фаррухи Одий билан курашади ва жасорат кўрсатади. Унинг жанговарлик маҳорати, куч-қудрати тилга тушади. Ҳатто, тенги йўқ паҳлавонлар ҳам ундан қўрқишиади. Охирги жангда эса паҳлавон Қазот томонидан ўлдирилади. Баҳроми Хитойи шу тахлитда ҳалок бўлади.

Қиссадаги Баҳроми Хитойи образи «Шоҳнома»даги ёки «Хамса» достонларидаги Баҳром саргузаштидан олинган бўлса-да, асарда оригинал сюжет асосида ўзига хос тарзда талқин қилинган. «Шоҳнома»да унинг Яманда вояга етиши, қаҳрамонликлари, овга меҳр қўйиши, муҳаббати ва отасининг ўлимидан сўнг тахтга ўтириши тасвирланади. Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достонида ҳам ушбу воқеа такрорланган. Кейинги хамсанависларнинг достонларидаги, «Ҳашт биҳишт», «Сабъаи сайёра»ларда анъанавий Баҳром образи билан боғлиқ воқеалар (бир неча ўринда ўзгартиришлар киритилган бўлса-да – М.Ж.) сақланиб қолади. Аммо, «Қиссаи Жамшид»да бошқа асарлардаги каби Баҳромнинг туғилиши, вояга етиши ва тахтга ўтириши хақида сўз бормайди. Баҳром билан боғлиқ воқеалар Хунхоршоҳнинг мактуб

юбориши билан бошланади. Ўша дамда унинг шикорда эканлиги эса анъанавий Баҳром образи каби овга ўчлигига ишорадир. Шу сабабли қиссадаги баъзи ўринларда анъанавийлик сақланиб қолганлигига гувоҳ бўламиз. У бошқа асарлардаги каби тахтга ўтириб подшоҳлик қилмайди. Баҳром билан боғлиқ воқеалар фақатгина жанг тасвирида келади, холос. Унинг характери, ўй-кечинмалари деярли очилмай қолади. Лекин қиссада унинг қаҳрамонлиги тасвири, жасорати яхши тасвирланган. Шунинг учун у иштирок этган жанг тасвирлари бирмунча қизиқарли ва таъсирчандир.

Қиссада Жамшид образи улдабурон, мулоҳазакор, чапдаст образ сифатида тасвирланади. Қиссагўй бош қаҳрамон сифатларини ёритишида Лайливаш, Шермасти Ҳабаший, Баҳром, Маликаи Дилсўз каби Жамшиднинг атрофидаги ёрдамчи образлардан унумли фойдаланади. Натижада, қиссага киритилган ҳар бир янги образ бош қаҳрамоннинг қайсиdir хусусияти очилиб боришига хизмат қилади. Қиссада Жамшид мавзуси анча кенгаяди, воқеабандлик асосида яхлит сюжетга айлантирилади. Асарнинг бошидан охиригача Жамшиднинг саргузаштлари, олиб борган жанглари, подшоҳлик фаолияти ҳақида сўз борса-да, қиссада бетакрор жанг саҳналари, сарой ва кўшклар таърифи, табиат манзаралари ўта маҳорат билан тасвирланади. Шунингдек, қиссанавис бош қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, руҳий олами, кўнгил изтиробларини ҳам, назардан қочирмайди. Ушбу жихат қисса бадииятини янада бойитган.

Энг муҳими, анъанавий Жамшид образи воситасида асарда адолатли шоҳ ва адолатпешалиқ, кашфиётчилик, улдабуронлик, илм-фанга, касб-хунарга меҳр тарғиб-ташвиқ этилади; эл-юрт ғамида, улусни ўйлаб, тинчлик, ҳалқ фаровонлигини ўйлаб, дўстлик, ҳамжиҳатликда яшаш ғоялари улуғланади; китобхон воқеалар жараёнини кузатар экан, кўплаб ҳаёт сабоқларидан баҳраманд бўлиб, панд-хикматлар олади. Муаллифнинг ижодий нияти, кўзлаган бош ғояси ҳам шу.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
2. «Авесто» тарихий-адабий ёдгорлик. Таржимон: А.Маҳкам. – Тошкент: Шарқ, 2001.
3. Акрамов F. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари // Мифологиянинг айrim эпик жанрлар билан ўзаро муносабати. – Тошкент: Фан, 1981.
4. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С. «Авесто» – Шарқ ҳалқларининг бебаҳо ёдгорлиги. – Тошкент, 2004.
5. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965.
6. Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981.
7. Мирзаева С.Р. Ўзбек ҳалқ афсун-дуоларининг жанр хусусияти ва бадиияти. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1993.

8. Мирзаева С. Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2004.

9. Қурунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010.

10. Ҳомидий Х. Фирдавсий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012.

11. ЎзФА ШИ қўлёзмалар фондида «Қиссаи Жамшид»нинг ўзбек тилидаги 2та қўлёзма, 9та тошбосма ва форс тилидаги 2та қўлёзмаси сақланади. Мақолада қиссанинг қуйидаги вариантидан фойдаланилди: جنگنامه پادشاه جمشید. Тошбосма, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди, Инв. №118. 1335 й. (ҳижрий).

ЖАМОЛИДДИН ЖЎРАЕВ

КОМЁБ ИЖОДИДА ЯССАВИЙЛИККА МУНОСАБАТ

Аннотация

Мақолада Сайд Ҳомид тўра Комёбнинг ғазалари таҳлилга тортилган. Шоирнинг тасаввуфий шеърларида анъанавий тарздаги Ҳаққа етишиш, унинг жамолини кўришга мушарраф бўлиш мотивларини кузатиш мумкин. Бунинг учун у май, мутриб, майхона, муғбача сингари тасаввуфий истилоҳлардан фойдаланганлиги кузатилади. Таҳлилда шоирнинг яссавия тариқатига эътиқоди ва ўзига хос услуби ўрганилган. Унинг ижодида Яссавий ғоялари билан уйғунлик борлиги аниқланган.

Калит сўзлар: шоир, яссавия, тариқат, тасаввуф, ижод, ғоя, издош, Хива.

Аннотация

В статье анализируются стихотворения Сайида Ҳомида торы Комёба. В мистических стихотворениях поэта прослеживаются мотивы достижения истины традиционным путем, возможности увидеть ее красоту. Замечено, что для раскрытия темы автор использовал мистические термины, такие как май, мутриб, майхана, муғбача. Анализируется вера поэта в учение Яссавия и уникальность этого учения. Прослеживается гармония творчества поэта с идеями Яссави.

Ключевые слова: поэт, яссавия, мистика, творчество, идея, последователь, Хива.

Annotation

The article analyzes the poems of Sayyid Homid tora Komyob. In the poet's mystical poems one can observe the motives of reaching the truth in the traditional